

3

ЮВЕНАЛ АДЛЯ



соҳаси
мамлакатимизда
барқарор
ривожланмоқда

4

ЖАМИЯТИНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

ёки уни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат



12

ГҶЗАЛ
ТАЪРИФЛИ
ШАҲАР

Бугун
Марғилон
шаҳрининг
файзи,
таровати,
кўрки, чиройи
янада ортиб
борапти



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131



ЖАМИЯТ

2006 йил
31 августдан
чоп этила
бошлаган

Газетанинг чакана
савдода белгиланган
нархи — 190 сўм

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

www.jamiyatgz.uz

2007 йил 8 июнь № 23 (36)

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

ОНА ЮРТИМ — ОЛТИН БЕШИГИМ



16 ЙИЛ

Ватан мустақиллиги — бебаҳо неъмат. Истиқлол туфайли биз энг аввало ўзлимизни, кадр-қимматимизни, қадриятларимизни тикладик, истиқболимизнинг нурли йўлини танлаб олдик. Шундай экан, халқимизнинг асрий орзулари ушалган қутлуғ санани кўтаринки, улугвор руҳда кутиб олишга ҳақлимиз.

Бу эзгу ният ҳар бир қутлуғ қадамимизда, эзгу ишларимизда, улуг орзуларимизда барқ урмоқда... Демак, Мустақиллик кунини байрами бизнинг кўз қорачиғимизда асралдиган, беназир, тенгсиз, энг улуг, энг азиз байрамдир.

★ Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов 5 июнь кунини пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишни мақсадида бу ерга ташриф бурди. Ушбу мажмуада ниҳоятда қисқа муддат — тўрт ой мобайнида жуда катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу масканда салобат ва маҳобат тўкиб турган Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зияратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг янги биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иморатлар ҳар қандай инсоннинг ҳам кўзини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчанлик даҳосини яна бир марта ёрқин намойён этмоқда.

★ «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Yangi avlod forumi» болалар ижодиёти марказида 4 июнь кунини хайрия талбири бўлиб ўтди. Унда истеъдодли ўқувчилар, уларнинг мураббий ва ўқитувчилари, ота-оналар иштирок этди. Талбирда фарзандлар камолоти йўлидаги хайрли ишларга турли вазирлик, идоралар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса кўшаётганлиги таъкидланди.

★ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 6 июнь кунини Оқсаройда Кувейт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солиҳ ас-Сабоҳни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Кувейт Давлати ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қамровини янада кенгайтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

★ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 7 июнь кунини Оқсаройда Баҳрайн Подшолиги ташқи ишлар вазири Шайх бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифани қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшолиги ўртасидаги ҳамкорликнинг бутунги аҳволи ва истиқболга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

ОНА ЮРТИМ — ОЛТИН БЕШИГИМ

Ун олти йил... Бу фурсат югурик вақт олдида бир киприк қоқгунчалик қисқагина лаҳза, холос. Лекин шу давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётида рўй берган тенгсиз ўзгаришларни — халқимиз тафаккури ва онгидаги, дунёқарашдаги янгиланишларни, иқтисод, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришилаётган ютуқларимизни аниқ ҳаётий мисоллар орқали баён этсак, том-том китобларга асос бўлиши шубҳасиз. Ҳа, 16 йилнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқаси ўзига хос мазмун-моҳият касб этди. Энг муҳими, дунё аҳли буюк аждодларимиз тимсолида бугунги бунёдкор, ҳеч кимдан кам бўлмаган, аҳдига вафодор, азму-шижоатли халқимизни таниди.

ЭНГ УЛУҒ,

ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Унда Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги халқимиз учун нақадар улуг байрам экани, уни муносиб нишонлаш шу эл фарзандлари учун юксак аҳамият касб этиши алоҳида уқриб ўтилган. Бинобарин, бу кутлуг сана муносабати билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлидаги муваффақиятларимиз омиллари халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш истиқлолнинг қадр-қимматини, она Ватанга муҳаббат ва салокат туйғуларини янада чуқурроқ синдириш асосий мақсад сифатида белгиланган.

ТАБАРРУК ОСТОНА

МУСТАҚИЛЛИК халқимизга том маънода миллий ўзликни англаш, буюк аждодларнинг вориси эканлигимиздан фахрланиш туйғусини бахш этди. Зеро, бир неча минг йиллар давомида шакланган ва сайқаланган бой маънавий, моддий ва маданий меросимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айни пайтда мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ана шу тарихий анъаналарнинг озод ва хур ватандавом этаётганидан далолатдир.

Халқимизнинг буюк яратувчилик қудратини мамлакатимизнинг Бош майдона ҳашаматида, Эзгулик аркасининг мазмун-моҳиятида, бахтиёр Она ҳайкалининг шарофатида чуқур ҳис этасиз. Мустақиллик майдонига Эзгулик аркаси устига тўрт лайлак, икки турна тасвирий тимсоли ишланган. Лайлаklar арка устига қўниб турибди. Турналар тепада чаппор уриб учаяпти. Бу бежиз эмас. Лайлак бир оёқда туриши, ўша манзил тинчлигини, ҳеч қандай хавф-хатар унга таҳдид солмаслигини ифодалайди. Халқимизда турналарнинг юртимиздан учиб ўтиши билан боғлиқ анъаналар бор. Турналарнинг учиб ўтганини кўриш ҳар кимга ҳам nasib этавермайди. Бироқ бир нарса ҳақиқат — турналар тинчлик, осойишталик ҳукм сураётган юрт устидангина учиб ўтади

қат эзгу туйғулар куртак ёзди. Бу халқимизнинг буюк келажакка бўлган ишончидир.

«Мустақиллик ва эзгулик монументи» барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган мажмуадир. Чунки мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-бирдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Олижаноб ниятлар билан янги оида кураётган минглаб ёш йигит-қизларимиз Мустақиллик майдонига Эзгулик аркасидан ўтиб, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлакдан юриб, ушбу монумент пойига зиёратга келар экан, фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр Она сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади.

шимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизнинг ҳам янада теранроқ англаш имконини беради.

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН

ИНСОН боласига Ватанини танлаш имкони берилмаган. Шу маънода, чин инсонгина Ватанини сева олади, ожизлар эса ҳамisha севилиш истагида бўладилар. Олис асрлар қаъридан бизгача етиб келган ҳар бир мўъжиза—тарихий-маданий ёдгорликлар миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми, халқимиз инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасининг бебаҳо намуналаридир. Зеро, Ислom конференцияси ташкилоти таркибидagi таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислom ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент



МУҚАДДАС БУРЧ


ҚАРОРДА Истиқлолимиз билан боғлиқ эзгу тушунчаларни янада чуқурроқ англаш, унинг қандай кураш ва машаққатлар, фидоқорона меҳнат ва қатъият эвазига қўлга киритилгани, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг жамиятимизда кечаётган туб ўзгаришлардаги иштироки, ҳаётга онгли муносабати, дахлдорлик туйғуси ва масъулият ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик фазилатлари тобора кучайиб бораётганини, бу эса барча ютуқларимизнинг, бугунги ва эртанги тараққиёtimизнинг асосий шарти ва гарови бўлиб хизмат қилаётганини энг улуг, энг азиз байрам муносабати билан ўтказиладжак талбирларда ҳар томонлама чуқур очиб бериш таъкидланган.

Мустақиллик йилларида миллий маънавий меросимизнинг қадр топиши билан бирга Ватан истиқлоли йўлида шаҳид кетган қатъон қўрбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши улкан хайрли амаллардан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи уларга кўрсатилган эҳтирмининг ёрқин намунаси. Бинобарин, энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтми-

— Ислom маданияти пойтахти деб эълон қилиниши маънавий тикланишимизга юксак эътирофдан ташқари, бизнинг аждодларимизга муносиб ворис эканлигимизга берилган баҳодир.

Мустақилликдан олдин зиёлилар қатлами «Минг йилларга бориб туташувчи тарихимиз, маданий меросимиз ўрганилармикин?» дея куюнар эди. Буни қарангки, 16 йилда нафақат минг йиллик, балки Ватанимизнинг салкам 3 минг йиллик тарихи, маданий меросининг асосий қисмини ўрганишга, тиклашга муваффақ бўлди. Бу мўъжиза эмасми?! Араб сиёсатчи олими Амар ал-Санжарий бу эзгу саъй-ҳаракатларимиз ҳусусида тўхталиб: «Ислom динининг турли динларни, маънавийларни, халқлар ва элатларни бириштирувчи дин эканлиги Ўзбекистонда ўзининг яққол ифодасини топди. Бу жаҳон миқёсида мисли кўрилмаган хайрли ҳолатдир. Ўзбекистон Осиё юраги сифатида машҳур эди, энди у Осиё виждонига ҳам айланди» деган сўзлари қалб кўзи очиқ ҳар бир инсонни чин маънода тўққинлантириши табиий.

Ҳа, бутун асрий синовлардан мардона ўтган ўзбек халқининг юксалиш сари қўйётган ҳар бир қаламига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди. Бу шахдам одимлар тез орада мамлакатимизни ўзимиз танлаган, ўзимизга хос ва мос бўлган тараққиёт йўли орқали буюк келажакка элтиши муқаррардир.



ва шу ерда манзил қуради.

Ватанимиз мустақиллигини қалбимизнинг туб-тубида эъозлаган ҳамюртларимиз, азиз ва мўътабар меҳмонлар ана шу масканга чуқур эҳтиром билдирган ҳолда қадам қўядилар.

— Бу мажмуа халқимизнинг асрий орзу-армонлари ушалганининг рамзи ифодаси бўлди, — дейди Андижон шаҳридан ташриф буюрган отахон Қурбон Сафоев. — Бу ерда ҳар ким кўнглидаги энг муқаддас орзу-ниятлари ижобат бўлишини Яратгандан сўрайди. Бу масканга қадам қўйган ҳар қандай инсон қалбида фа-

«УРГУТ» КАРАТЭ КЛУБИ

қишлоқ ёшлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантирмоқда

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар соғлом авлод тарбиясига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Самарқанд вилоятидаги «Ургут» каратэ клуби ўғил-қизларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб этишда фаоллик кўрсатмоқда. 2000 йил январь ойидан фаолиятини бошлаган «Ургут» каратэ клуби қисқа муддатда туманинг турли чекка қишлоқларидан келган ёшларни ўзида бирлаштирди.



Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,

«Жамият» мухбири

УРГУТ туманида каратэ билан шуғулланишни истаган ёшлар сафи кун сайин кенгайиб борди. Клуб раҳбари Соҳиб Шералиев ўз тажрибаси, маҳоратини шогирдларига ўргатиб, туман машина-трактор паркиннинг мўъжазгина спорт залида ўтаётган машғулотлар

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондининг 3-тур танловиди «Ургут» каратэ клуби «Соғлом ёшлар — буюк келажак гарови» лойиҳаси билан 5 миллион сўмлик грантни қўлга киритди.

спортчиларни мусобақалар сари етаклади. 2001 йили Ўзбекистон чемпионатида клубнинг иқтидорли аъзоси Сардор Мардонов чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритди. 2003 йилда у майлакат кубоги баҳсларида ҳам шундай натижани такрорлади. Клубнинг бошқа бир аъзоси Бобур Абдураҳмонов эса клубга илк олтин медални туҳфа этди. Шунингдек, клубнинг 1989 йилда туғилган қатнашчилари Ўзбекистон чемпионатининг жамоавий катта баҳсларида учинчи ўринни эгаллашди. Жорий йил май ойида пойтахтдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида клуб аъзоси Улугбек Алиев 3-ўринга сазовор бўлди.

Туман ҳокимлигининг ёрдами билан Ургут шаҳридаги иқтисодиёт коллежининг каттагина спорт зали клуб ёшлари учун фойдала-

нишга берилди. 2006 йил май ойидан бошлаб, спорт зали янада гавжум масканга айланди. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташкил этилгач, клуб унга аъзо бўлди ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фондининг грант-танловларида ўз лойиҳалари билан иштирок эта бошлади. Фонднинг 3-тур танловиди «Ургут» каратэ клуби «Соғлом ёшлар — буюк келажак гарови» лойиҳаси билан 5 миллион сўмлик грантни қўлга киритди.

Ургут иқтисодиёт коллежининг спорт зали янги спорт анжумлари билан бойиди. Грант маблағларига бир қатор спорт жиҳозлари — тренажёрлар, штанга, каратэчилар бош кийимлари, кураш гиламлари ва бошқа зарур спорт ашёлари сотиб олинди. Клуб аъзолари мазкур эътибордан руҳланиб, янада юқори ўринларни қўлга киритишга бел боғлаганлар.

Кичик ёшдаги болалар билан алоҳида, ўсмирлар билан алоҳида машғул олиб бораётган Соҳиб Шералиев келгусида ўз шогирдларидан жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига ишонади.

Яқинда туман ҳокимлиги раҳбарлиги остида ва «Ургут» каратэ клубининг фаол иштирокида туман биринчилиги ташкил этилди. Ҳар йили анъанавий ўтказиладиган мазкур мусобақада туманининг деярли барча қишлоқларидан спортчилар иштирок этди. Мусобақада «Ургут» каратэ клуби ёшлари ғолиб чиқди.

Клуб ўз фаолиятини келгусида янада кенгайтириш, аъзолар сонини кўпайтиришни, энг чекка қишлоқлардаги ёшларни ҳам клубга жалб қилишни мақсад қилган. Бу эса туман ёшларида соғлом турмуш-тарзини шаклланишининг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади.



ЮВЕНАЛ АДЛИЯ

соҳаси мамлакатимизда барқарор ривожланмоқда

Ювенал адлия соҳаси вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва ҳимоясига оид масалаларни ўз ичига қамраб олади. Бутун дунёда мазкур соҳага нисбатан эътиборнинг пайдо бўлиши инсонпарварлик йўналишлари, ҳуқуқий назария ва суд амалиётида эришилган юксак муваффақият сифатида талқин этилади. Унинг бир асрдан зиёд тарихи давомида аввало инсонпарварлик гоялари устуворлиги таъминланишига эришилди.

Икром ИМОМОВ

ЮВЕНАЛ адлия балоғатга етмаганларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган ва ёшлар орасида жиноятга қарши курашнинг янада самарали тартибини яратиш ва такомиллаштиришга интилиб келмоқда. Ўзбекистонда ҳам бугун мазкур соҳанинг тўла шаклланиши ва ривожланиши учун муайян шарт-шароитлар яратилган.

Кунни кеча пойтахтимиздаги «Гранд Мир» меҳмонхонасида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида ташкил этилган «Ювенал адлия соҳасида фаолият юритувчи адвокатлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ма-лакасини ошириш» мавзусида икки кунлик семинар ўз ишини якунлади. Унда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакил-

лари, адвокатлар, маҳаллий ва халқаро экспертлар иштирок этдилар.

Ўзбекистонда болаларни ҳар томонлама камол топиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, вояга етмаганлар билан ишлашга янада эътиборни кучайтиришга қаратилган бир қанча қонун ва қарорлар қабул қилинган. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилди. 2001 йили Женевада ушбу Конвенция бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг дастлабки ахбороти тингланди. Унда мамлакатимизда бола-лар ҳуқуқи ҳимояси борасида қўллаб-қўллаб йўналишларда ютуқларга эришилганлиги, шу жумладан, ювенал адлия соҳасида ижобий ўзгаришлар юз берганлиги қайд этилди. БМТнинг Бола ҳуқуқлари кўмитасининг якуний тавсиялари республикамиздаги барча вазирлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан диққат билан ўрганиб чиқилди ва уларнинг тақлифлари асосида миллий ҳаракатлар йўналишлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бинобарин, ювенал адлия фақат юридик соҳа бўлиб қолмасдан, балки ижтимоий сиёсатда ҳам муҳим ўрин тутади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳам республикамизда мазкур соҳанинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Семинарда шунингдек бола ҳуқуқларини таъминлашга оид юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

МОЛИЯ МЕНЕЖМЕНТИ ВА МОЛИЯ ҲИСОБОТИ

бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобчилари учун семинар-тренинг ўтказилди

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг роли бекиёсдир.

Дилшодбек ОТАБЕКОВ

ЯҚИНДА Наманган шаҳрида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан Наманган ва Андижон вилоятларида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва ҳисобчилари учун «Нодавлат нотижорат ташкилотларида молия менежменти ва молия ҳисоботи» мавзусида икки кунлик амалий семинар-тренинг ўтказилди.

Унда нодавлат нотижорат ташкилотлари бош ҳисобчилари учун нодавлат нотижорат ташкилотларини молиялаштириш манбалари, харажатларини режалаштириш, солиққа тортиш асослари, ходимлар ва меҳнат муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар, асосий восита ва товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш бўйича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ҳусусида фикр алмашилди.

Семинар-тренинг сўнггида «Келажак нури» нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдироти бўлиб ўтди ва унинг низомида белгиланган вазифалар юзасидан турли ташкилотлар билан ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Қарши шахрининг бош майдонидаги "Эл-юрт таянчи" монументида тегирмон тоши узра бир-бирига меҳр кўсатиб ва елкадош бўлиб, ўз она-заминида мустақкам турган оила тасвири акс эттирилган. Бу ёдгорлик ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшайётган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлган меҳнаткаш оила тимсолини ўзида мужассам этган. Бу халқимизнинг кўп асрлик тарихий тараққиётини умумлаштириб, унинг истиқбол сари ишонч билан интилайётганини гўзал тарзда ифода этувчи монументал асардир.



Фармони ўқиб
қўйиш
и ста г и да
бўлган ёшлар
ташк и л этиди. Бирги-
на Қашқадарё вилоятида
912 нафар ёш оилага 811 мил-
лион 470 минг сўм миқдорда
микрорекрет ажратилган. Фар-
мони мувофиқ яқин кунлар
ичида бу кўрсаткичлар бир
неча баробарга ошиши тайин.

Нурали ШОДИЕВ,
«Жамият» мухбири

ЖАМИЯТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

ёки уни мустақкамлашга қаратилган сиёсат

МАМЛАКАТИМИЗ Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тўй таррадуида юрган биз ёшлар учун зўр янгилик бўлди. Негаки, ёш оила учун муаммо ҳам, энг катта бойлик ҳам — уй-жой. Бу томондан давлатимиз мадакор экан, кўнглимиз хотиржам. Ёш оилаларни мустақил ҳаётга кириб келишда уларга ёрдам кўрсатиш, уй-жой ва маиший шaroитларини яхшилаш бу юртимизнинг бугуни ва эртанги кунини ўйлаб қилинаётган улуг ғамхўрликдир.

ҲАЁТБАХШ ҲУЖАТ
ФАРМОНДА ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ёшларимизнинг оилаларини таъминлашлари учун уларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш йўлларини ва амалий рағбатлантириш омилларини яратишга доир қўллаб долзарб масалалар қамраб олинган.

Фармонда тегишли вазирлик ва идоралар, қанлар ва жамоат ташкилотларига ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари очилиши, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик ишларига фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишларини ташкил этишлари учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан

бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шaroитлар яратиш вазифалари белгилаб берилган.

— Мазкур Фармон бизнинг

муддатли талқинотлар ўтказишни бошлаб юбордилар. Зеро, фуқаролик жамиятидаги ҳар қандай ижобий ўзгариш оилаларда бўлиши кераклиги билан ҳамоҳангдир.

Шу кунга қадар Ҳаракатнинг куйи тизимлари қошида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари ташкил этилди. Эндиликда ушбу марказлардан янада самаралироқ фойдаланиш имконияти туғилди. Ёш оилаларга ҳаётини зарур маслаҳатлар, кўрсатмаларни берадиган ушбу марказлар «Оила» республика илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

— Ушбу Фармон ёш оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудирини Нуриддин Маматов. — Фармон имтиёзли кредит ажратиш механизминини, тегишли меъсрий ҳужжатларни яратишда асос вазифасини ўтайди. Биз тижорат банкларидан турли кредитлар олган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни мониторинг қилиб чиқдик. Шу кунгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан салкам етти ярим мингта яқин ёш оилалар кредит олган. Улар учун тижорат банкларидан беш миллиард тўрт юз миллион сўмга яқин маблағ ажратилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кредит сўраб мурожаат қилганларнинг катта қисмини тадбиркорликни

— Биз тижорат банкларидан турли кредитлар олган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни мониторинг қилиб чиқдик, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудирини Нуриддин Маматов. — Шу кунгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан салкам етти ярим мингта яқин ёш оилалар кредит олган. Улар учун тижорат банкларидан беш миллиард тўрт юз миллион сўмга яқин маблағ ажратилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кредит сўраб мурожаат қилганларнинг катта қисмини тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган ёшлар ташкил этиди.

зиммамизга ҳам бир қатор вазифаларни юклайди, — дейди Республика «Оила» илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи, психология фанлари номзоди Камола Парфиева. — Унда белгиланган вазифаларни ёшлар онгига сингдиришда тарғибот ва ташвиқотнинг ўрни катта. Шундан келиб чиқиб, марказ ходимлари республикамизнинг чекка қишлоқларида турли тадбирлар уюштириш, омавий ахборот воситаларида маълумотлар бериш, кичик ва қисқа

ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МАСЪУЛИЯТ
ФАРМОНДА «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бажариши лозим бўлган масъулиятли вазифалар ҳам акс этган. Бу борада Ҳаракатнинг махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши, уларнинг турлари бўйича мониторинг ишларини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Яқинда эълон қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони бу борадаги хайрли ишларга янада кучли туртки берди. Бинобарин, фуқаролик жамиятининг негизи — оила равнақи, уни мустақкамлаш, ёш оилаларнинг маданий-маиший шaroитларини яхшилаш, уларни моддий ҳиждатдан қўллаб-қувватлашга асосланганидан келиб чиқсак, бу фармон юртимизда ҳар бир оила, айниқса, ёш оилалар давлатимизнинг боимий эътиборида, ҳимоясида эканлигини яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Дялафруз БҒРОНОВА,
Гулжаҳон ЖАББОРОВА

— ЮРТИМИЗДА ҳар йили 165 мингдан зиёд никоҳ қайд этилади, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент вилояти «Оила» илмий-амалий маркази директори Зулҳумор Жўраева. —

АРДОҚДАГИ ОИЛА

ҳамиша тўқис ва фаровон бўлади

Унинг 19 мингта яқини бизнинг вилоятимизга тўғри келади. 570 мингта яқин оилани бирлаштириб, узаро бағрикенглик, ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида фаолият юритаётган 1290 та маҳалла зиммасига масъулиятли вазифалар юклайдиган ушбу Фармон тез фурсатда ўз самарасини беради, албатта. Қолаверса, қўрсатилаётган моддий ва маънавий рағбат ёшларда оиласи учун масъулиятни, гуруҳ ҳиссини янада оширади.

Кейинги йилларда ёш оилалар сони йилдан-йилга ортиб бораётганлиги қувончли ҳол. Йил бошиданок, яъни «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан мамлакат Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва мустақкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонида кам таъминланган оилаларга давлат бюджетидан ажратиладиган маблағни 1,5 баробар ошириш, яъни йил

давомида яна юз минг кам таъминланган оила ойлик моддий ёрдам олиш имкониятига эга бўлиши кўзда тутилган эди.

— Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу чора-тадбирлар халқимиз томонидан илиқ кутиб олинди, — дейди Бекобод туман Зафар шаҳарчаси, «Истиқдол» маҳалла маслаҳатчиси Солиёя Худойназарова. — Маҳалламизда истиқомат қилаётган 512 нафар оиланинг 366 таси ёш оилалар сирасига киради. Шу боис, мазкур Фармон ижроси юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб олдик. Унда ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, ипотека ва истемол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй ҳўжалигини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

белгилаб қўйилган.

— Оила қурганимга эндигина бир йил бўлди, — дейди Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини талабаси Сайёра Фаниева. — Турмуш ўртоғим ҳам талаба бўлгани боис, ижарада яшаб келаётган эдик. Фармонда фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизда оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижара бериладиган квартираларни ташкил этиш масаласига олаҳида эътибор берилгани бизнинг оилавий муаммомизни ҳал этилишига замин яратади. Қолаверса, мазкур ҳужжатдаги ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир бошқа қўшимча чора-тадбирлар биз каби ёшларнинг дилидаги гап бўлди.

Таъкидлаш лозимки, оилаларнинг барқарорлигини таъминловчи бундай муҳим фармон қарорлар тинч-фаровон турмуш кечираётган ҳар бир оила азбоси она Ватан, жонажон мамлакат, давлат сиёсатининг ардоғи эканлигини ифодалаб берувчи муҳим ҳужжат сифатида чуқур аҳамият касб этади.

Дилдаги санлар

«БУ – ЎЗ УЙИМИЗ, ЎЗ ҚЎРҒОНИМИЗ!»

Хар сафар Қамари шахридаги бу икки қавати бинонинг деразаларига боққанимда ўзимни алпанчук сезаман. Деразалардан ўнлаб болажонлар нигоҳи мени кузатиб тургандай, бино дарвозасини очиб кириб, у ердагиларни бағримга бир-бир босишимни иттизор кутгандай туюлавереди.

Абдулла БОБОЁРОВ

«МЕХРИБОНЛИК уйи» — ўз номига мос меҳрибонлик билан йўғрилган уй, таъбир жоиз бўлса — қўрғон.

Бу жой бир пайтлар, яъни собиқ иттифоқ даврида «Болалар уйи» деб аталар, таассуфки, болалар ҳар онда етимликни, бегоналикни ҳис қилиб турардилар.

— Ушша пайтларда тарбияланувчилар орасида қочишлар кўп бўларди. Ҳар ойда милиция ходимлари беш-олтита қочқонни гоҳ поездлар вагонларидан, гоҳ шохбекатлардан ушлаб келишарди. Болалар барибир қочиб кетишга ҳаракат қилишарди. Сабоби бу ерни ўзларига бегона, деб билишарди, — дейди «Меҳрибонлик уйи» директори Шарофат Шоймардонова. — Ҳозир истиқлол шарофати боис кўп нарса ўзгарди. Эндиликда «меҳрибонлик уй»лари давлатимиз, халқимиз эътиборида. Тақдир тақозоси билан кўнглининг бир чети кемтик, ўксик бўлган болаларни бу ерда бировдан кам бўлмай яшати, комил инсон қилиб тарбиялаш учун барча ишлар қилинмоқда.

— Бола қалби меҳрни тез илғайди ва унга содиқ қолади, — дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Рузибой Абдиев. — Айниқса, битирувчиларимизнинг хайрлашув кечасини кўрсангиз, улғайиб қолган йигитларимиз ва кизларимизнинг тарбиячиларимиз бўйинларига осилиб, «опа-опажон», «ота-опажон» дея юзларига юз босаётганига кўзингиз тушса, тўқланиб кетасиз. Шундай дақиқаларда кўнларни тунларга улаб қилган меҳ-

натимиздан дилимиз гурурга тўлади. Кечагина отасидан, онасидан ажралиб мунгайибгина турган боланинг бугун улғайганидан, эртанинг ёруғ йўлига чиқаётганидан, кўнлимиз юксалади.

Ҳа, бу ёруғ туйғун «Меҳрибонлик уйи»нинг ҳар бир тарбиячиси юракдан ҳис қилади. Юзлаб болажонларнинг опажонларига айланган «Шўҳрат» медали соҳибаси Шарофат Тожиёва, сингари тарбиячиларнинг меҳр-оқибати, эҳтироми учун таъзим қилсак арзийди.

Мазкур даргоҳда болажонларнинг соғлом, бақувват, билимли бўлиб ўсишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. 100 ўринли ошхона фаолияти доимо назоратда. Болаларнинг ўзлари танлаган соҳага қизиқишларини ошириш учун 6 йўналиш бўйича тўғрақлар ишлаб турибди. Салкам олти минг китоб фондида, юзлаб газета-журналлар таҳрирари эга кутубхона эшиги болалар учун қўйиб қўйиб, ўтган йили бу ерда 360 миллион сўмлик миқдорда қуришиш ишлари бажарилиб, янги икки қаватли бино фойдаланишга топширилди. Барча шарт-шароитга эга бўлган тиббиёт, массаж хоналари, замонавий ётоқхоналар болалар ихтиёрига берилди. Шўрпан газ-кимё мажмуаси жамоаси томонидан биргина ўтган йили 31 миллион сўмлик мебель, 5 миллион сўмлик китоблар ва ўқув қуроллари болажонларга соғва этилди. Бош ҳимий кўмағида барча тарбияланувчилар қишқи ва ёзи ўқув таътиллариини Яккабоғ туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳида ўтказишди. Ўтган икки йил давомида 18 нафар аълочи тарбияланувчилар хориждаги халқаро болалар оромгоҳларидан бирини 15 кун дам бўлиб келди.

«Меҳрибонлик уйи» директори билан суҳбатимиз янги режалар, мавзуга қўчди. Режалар эса катта — ҳовлини ободонлаштириш, «Эртақлар оламига саяҳат» борчасини, ёпиқ теннис кортини қуриш... Яна бир гап. Бундан уч йил муқаддам, туман ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари «Меҳрибонлик уйи»дан бир нафардан ўғил-қизини ўз тарбиясига қабул қилиб, уларига олиб кетишган экан. «Ижтимоий ҳимоя йили»да эса бу анъана янада янгича мазмун касб этиши кутилмоқда...

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

ЖАМИЯТНИНГ ЎЧМАС ЧИРОҒИ

Халқимизда шундай нақл бор: «Юз йилни кўзласанг, боғ ярат. Минг йилни кўзласанг, зиё тарат». Мана шу нақл ёдга тушса, кўз олдимизда Ўзбекистон Қаҳрамони, забардаст адабиётшунос олим, ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири, моҳир таржимон ва адиб, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, «Меҳнат шўҳрати», «Буюк хизматлари учун» орденлари соҳиби Озод Шарафиддиновнинг йирик мактаби намоён бўлади.

Гулжаҳон ЖАББОРОВА

ЖАМИЯТДАГИ ўзгаришларга жуда фаол муносабатда бўлган устоз ўз мулоҳазаларини далиллик билан билдириб ва бошқаларни ҳам шунга ундар эди. Айниқса, 1989 йилда она тилимизга давлат тили мақоми берилиши борасида баҳс-мунозаралар авж олган давлар олим тимсолида ҳақиқий ўзбек маърифатпарварлари сиймосини кўрган эдим. Ушша кезларда устознинг оммавий ахборот воситалари орқали ҳар бир чиқишини диққат билан кузатиб борар эканман, юз йилда бир дунёга келадиган бундай чақмоқ фикрли инсонлар жамиятнинг ўчмас чироғи эканига амин бўлдим. Тўғриси, ўзгиримиз, маънавийтимиз жонкуярларининг ҳақ гаплари янги жамиятга атак-чекач қилиб келаятган биз ёшларга ибрат мактаби эди.

«Ижодни англаш бахти», «Истиқлол фидойилари», «Довондаги ўйлар» каби китоблари, юзлаб мақолалари билан адиб ўзига ману ҳайкал қўйиб кетганини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Устоз таржимон сифатида жаҳон адабиёти дурдоналаридан бўлмиш О.Уайльд, П.Колье, Л.Толстой, И.Бунин, К.Абэ, В.Быков, Ф.Саган, П.Мерме сингари ўнлаб ёзувчиларнинг бир юз эллик-фатпарварлари сиймосини кўрган эдим. Ушша кезларда устознинг оммавий ахборот воситалари орқали ҳар бир чиқишини диққат билан кузатиб борар эканман, юз йилда бир дунёга келадиган бундай чақмоқ фикрли инсонлар жамиятнинг ўчмас чироғи эканига амин бўлдим. Тўғриси, ўзгиримиз, маънавийтимиз жонкуярларининг ҳақ гаплари янги жамиятга атак-чекач қилиб келаятган биз ёшларга ибрат мактаби эди.

Олимнинг олти бўлимадан иборат «Ижодни англаш бахти» китобидаги ҳулосалар, умумлашмалар, мулоҳазалар ўз туси, ранги, даражаси, қиёфасига эга. Китобдан олимнинг катта тадқиқот мақолалари қатори бир қанча тақризлари ҳам ўрин олган. Уларнинг иккитаси «Гамлет» ва «Мирзо Улуғбекнинг» саҳнадаги янгича талқини ҳақида. Шу тақризларнинг ўзидаёқ олимнинг Шекспир ва Шайхзода асарларини қай даражада теран англаши, уларнинг барча саҳнавий талқинларидан бохабарлиги яққол кўринади, — дея ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашадиган филология фанлари доктори, профессор Санжар Содиқов. — «Довондаги ўйлар» китобида асрлар да асрдошлар, истиқлол ва унинг жонфидолари сурати ва сийратини ўзига хос равишда талқин этган. Мазкур китобда «Мустақиллик меъморини» бўлими эътиборни тортади. Бу ким тўртта мақоладан иборат: «Йўлбошчи», «Мустақиллик меъморини», «Истиқлол хилдорлари», «Инсон ҳамаша меҳр-гун муҳтож». Мазкур мақоаларда муаллиф мамлакатимиз Президентининг образини яратган.

Ҳа, олим адабиётта ёниб кирди ва атрофига нур таратиб, мухлисларининг қалбига ёруғлик бахш этиб ёнади, десак муболага бўлмайди. Аслида жамиятнинг уйғоқ кўзларига айланган Озод Шарафиддиновдек устозларнинг зиё сарчамаларидан қанча баҳраманд бўлсак, ҳаётни шунчалар теран тушуниб бораверамиз.

Жамиятнинг уйғоқ кўзларига айланган Озод Шарафиддиновдек устозларнинг зиё сарчамаларидан қанча кўп баҳраманд бўлсак, ҳаётни шунчалар теран тушуниб бораверамиз.

ТАШАББУС ВА ҲАМКОРЛИК

хайрли ишларга замин яратмоқда

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот-матбуот маркази ташкил этилгандан ҳозирга қадар — ўтган икки йил мобайнида давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар, матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатди.

Бахтиёр ОЛЛОМУРДОВ,

«Жамият» муҳбири

— МАМЛАКАТИМИЗДА фаоллик юротаётган нодавлат нотижорат ҳамда жамоат ташкилотлари, таниқли журналистлар билан ҳамкорликда ҳар ойда ўндан зиёд ранг-баранг мавзуларда анжуманлар ўтказиб бораёямиз, — дейди Марказнинг бош мутахассиси Феруза Орипова. — Савол туғилиши мумкин: ўтказилаётган ана шундай тадбирлар кутилган самара бераётими? Ҳамкорларимиз орасида ҳаёт тарзи ёшлар ва янги оилалар учун ўзига хос ибрат мактаби бўла оладиган инсонлар кўп. Шу боис бизга мурожаат этувчилар сони кўпайиб бормоқда. Демак, одамларнинг ишончини оқлаётимиз деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида бағишлаб ақинда Республика Адлия вазирлигида ташкил этилган давра суҳба-

тида ҳам фаол аёллар ҳамда олий ўқув юртлири хотин-қизлар кенгаши раислари иштирок этиб, ушбу муҳим тарихий ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Каттами ё кичик, ҳар бир хайрли ишда ҳолис ва бегараз ёрдамчилару ҳамкорлар зарур бўлади, — дейди Феруза Орипова фикрини давом эттириб. — Биз ҳам бу борда олдимизга қўйилган вазифаларни ҳиммати баланд ҳамкорларимиз — «Меҳр», «Истиқболли авлод» сингари нодавлат нотижорат ташкилотлар, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрия жамғармалари билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Мулофаа ҳамда Ички ишлар вазирликлари ва бошқа бир қатор нуфузли идоралар кўмағига таянган ҳолда амалга ошираямиз.

Давлатимиз Раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тузилган дастурга мувофиқ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари Тош-

кент шахрида жойлашган Аёллар ҳамда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Болалар ахлоқ тузатиш колонияларида бўлиб, у ерлардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, иккала муассасалар ҳам ҳар ойнинг маълум кунларида йиллик дастурий режа асосида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилди. Унга кўра, эл назарига тушган санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқа таниқли шахсларни жалб этган ҳолда учрашувлар ташкил этилмоқда.

Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад, баъзи бир сабаблар билан жиноят қўчасига кириб, ёхуд бузғунчи ғоялар тасйирига тушиб қолганларни тўғри йўлга солиш, уларни эзгу мақсадлар билан яшашга ундаш ва ўз қилмишдан пшаймон бўлганларга тўғри йўл тнлаш олийшларида қўмақлаштишдан иборатдир.

Ўтган икки йил давомида Марказ ана шундай хайрли ишларни амалга оширишда Қўмитанинг чинакам таянчига айланган олди. Бу давр ичида Марказнинг жойлардаги бўлинмалари ҳам ташкил этилди ва шаклланди. Шунингдек, Марказ фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида унинг қошида «Ёш журналистлар клуби» ташкил этилди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ижтимоий адолат кафолатидир

Адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини ташкил қилишда ижтимоий ҳамкорлик, тенглик, масбулият ва жавобгарлик мезонлари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнларнинг мақсадга мувофиқ кечишида жамоатчилик назоратининг хиссаси салмоқли. У жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг мамлакат тараққиёти йўлидаги фаоллигини оширади.

Толибжон ҲАФИЗОВ,

Республика «Маҳалла» жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси

БИНОБАРИН, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг мавжудлиги фуқаролик жамияти шаклланишининг энг муҳим шартларидан биридир. Бу ҳар бир раҳбарда ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этишига олиб келади.

ДАВР ТАҚОЗОСИ

БУ соҳадаги вазифаларни бажариш учун назорат тизими мустаҳкам ташкил этилиши ва тақомиллаштириб борилиши зарур. Масалая Республика «Маҳалла» жамғармаси Фарғона вилояти бўлими мисолида эътибор қаратадиган бўлсак, жамғарма касабая уюшмалари, жамоат ташкилотлари ва вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда бу жараёнга республикада биринчилардан бўлиб киришди. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг 2002 йилдаги йиғилишида тасдиқланган «Жамият, нодавлат ташкилотлар ва ўз-ўзини бошқариш идоралари орқали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан даъвогарлик ҳиссини шакллантириш дастури»га биноан жамоатчилик назорати гуруҳи ташкил этилиб, унинг атрофига тажрибали мутахассислар жалб қилинди. Назорат гуруҳи дастлаб долзарб масалалар бўйича 28 та йўналишда «Услубий тавсиялар» ишлаб чиқиб, вилоятдаги маҳаллалар ва фуқаролар йиғинларига тарқатди.

АМАЛИЙ НАЗОРАТ

ҲОЗИР вилоятдаги барча маҳаллаларда жамоатчилик назорати гуруҳлари тuzилган. Шаҳар ва туман маҳаллаларидаги гуруҳларда 7-9 нафаргача, қишлоқ фуқаролик йиғинларида эса 5-7 нафаргача аъзолар бор. Аъзолар таркибининг кўпчилигини ҳуқуқ-тартибот органларида, турли соҳаларда сидқидилдан ишлаб нафақага чиққан, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган фидоий,

обрў-эътиборли, жонқуяр инсонлар ташкил этади.

Жамоатчилик назорати гуруҳлари ўзларининг фаол фуқаролик ҳаракатлари билан 2002-2006 йиллар мобайнида турли масалалар бўйича кўплаб ҳолатларни таҳлил қилдилар. Мазкур таҳлиллар қонун доирасида кўриб чиқилиб, етказилган моддий ёки маънавий зарарни ундириш ва бошқа масалалар бўйича суд инстанцияларига даъво аризалари киритилган ҳамда ижобий ҳал қилинган.

Назоратчилар қишлоқ ҳўжалигидаги экин ерлари ҳамда томорқа майдонларидан фойдаланишнинг аҳволини ўрганиш бўйича ҳам қатор ишлар олиб борилди. Хусусан Сўх туманида текшириш ўтказилганда, Янгиариқ маҳалласида уй-жой куриш ва томорқа учун 68 нафар фуқарога берилган ерлар фойдаланилмагани сабабли қайтариб олинди ва шундай ерларга эҳтиёжи бор оилаларга берилди.

Жамоатчилик назоратининг ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганиш, унинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш ҳамда ушбу тизимга эҳтиёж қай даражада эканини билиш мақсадида ўтган йили Кўқон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, республика «Маҳалла» жамғармаси, Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида семинар ўтказилди. Унда мазкур тизимнинг ҳуқуқий жиҳатдан афзалликларга эга экани алоҳида таъкидланди ва тегишли фаолият йўналишлари белгилаб олинди.

ФАОЛЛИККА ДАВВАТ

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ»нинг беш ойи якуни шуни кўрсатдики, вилоят бўйича жамоатчилик назорати гуруҳлари фаолияти анча жонланган. Бу боралда Кувасой шаҳри, Тошлоқ, Учқўприк, Ёзёвон, Бешариқ, Бувайда, Ўзбекистон, Фарғона туманларида ибратли ишлар амалга оширилган. Гуруҳ аъзолари жорий йилнинг биринчи чорагида эътиборни асосан электр энергияси ва газдан фойдаланганлик, гушт ва ун маҳсулотларининг таънарихи, бозорлардаги тартиб-интизом масалаларига қаратди. Хусусан, Ёзёвон тумани Ҳамза маҳалласидаги 307 хонадоннинг электр энергиясидан қарздорлиги 3 миллион 100 минг сўм эмас, 1 миллион 415 минг сўм экани аниқланиб, ортиқча қўйилган сумма олиб ташланишига эришилди.

Вилоятда кўпгина масалалар жамоатчилик назорати гуруҳлари иштирокида ижобий ҳал этилаётгани сабабли фуқароларнинг уларга нисбатан ишончи ортиб бормоқда. Бундай сазй-ҳаракатлар эса жамиятимиз фаровонлигини таъминлашга катта ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг маҳалла бўлиб яшаш тарзидаги бой анъана ва тажрибалари мазмунан бойиб, ҳар жиҳатдан қадр топди. Маҳалла ахлоқ ва одоб, файзу тароват орасталик мактаби сифатида ривожланиб бормоқда.

БУНДА БОР ЭЗГУЛИК, МЕҲРУ ОҚИБАТ

Маймуржон ҚИЁМОВ,

«Жамият» мухбири

АҲИЛЛИК ВА ОРАСТАЛИК

МУАЗЗАМ Тошкентимизнинг бутунги жамолига қараб тўймайсиз. Замонавий, кўркем бинолар, ажойиб кўприклар, гўзал хиёбонлар маҳаллалар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Янги қурилаётган ҳовли-жойларни айтмайсизми? Бир-биридан шинам, бежирим. Беихтиёр шундай обод юртга, файзли уйлару ораста ҳовлиларда умғуззоронлик қилаётган одамларнинг бахтига ҳавас қиламиз. Учтепа туманидаги «Ўткир» маҳалласида 5,6 минг аҳоли яшайди. Маҳалла худудидидаги ҳовли-жойлар 14 кўча бўйлаб жойлашган. Бундан ташқари, 2 та кўп қаватли уй бор.

Яқинда шу маҳаллада бўлиб, кўпгина хонадонларга кириб ўтдик. Ҳовлиларни-ку қўя туринг, дарвозалар олдидаги бир парча ер ҳам ораста ва гўзал. Ҳовли ичкарисига қадам қўйишингиз билан анвойи гулларнинг, жамбилу райҳонларнинг хушбўйидан баҳри-дилингиз очилади. Чиройли қилиб шакл берилган дарактлар яшнаб турибди. Ҳамроҳим, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Лутфулла Бойдуллаевдан бундай орасталик сабабини сўраймиз.

Оқсоқолнинг гаплари тасдиғи сифатида газетхонларимизга эслашиб ўтишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддасида шундай дейилган: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ҳар бир инсон учун Ватан ўз хонадонидан, маҳалласидан бошланади. Агар маҳалла Лутфулла ака айтганидек, обод, тинч бўлса, ўша туманда, шаҳарда, вилоятда ва бутун мамлакатда тинчлик барқарор бўлади. Зеро, қадимдан «Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг» деб бежиз айтилмаган.

ҲУРМАТ ВА ИЗЗАТ МУЖАССАМЛИГИ


— «Бир болага етти кўшни масбула» деган гап ҳам халқимиз «ихтироси». Шу жиҳатдан маҳаллада бирон-бир бола нотўғри иш қилса, эгри қадам қўя бошласа, оқсоқоллар, обрў-эътиборли одамлар уни тўғри йўлга солишади. Бу боралда «Ўткир» маҳалласида қандай тажрибалар мавжуд?

— Маҳалламиз ёшлари ўртасида кейинги йилларда бирорта қонунбузиш ҳолатлари содир этилмади. Худди сиз тилга олганингиздек, маҳалламизда кўпни кўрган, донишманд Аҳмадхўжа Азизов, Анвархожи Обидов, Мирраҳмад Мирхожиев, Турғун Орифжонов, Тошпўлат Ҳакимов, Ортиқали Фозилов, Оллаберган Ибодов, Муҳиддин Хўжаев, Шароф Мирмаҳсудов, Комил Мирмаҳмудов, Анвар Абдусаматов сингари нуруний кексаларимизнинг сазй-ҳаракатлари тўғрисида шундай натижага эришилмоқда.

Маҳаллада «Обод маҳалланинг соғлом фарзандлари», «Чекмасдан ёшлик гаштини сур!», «Гисҳандлик - ҳалокат» каби мавзуларда давра суҳбатлари, ўзаро мулоқотлар ўтказилди. Барча ёшларнинг мактабда, коллежларда ўқиши инобатга олинди. «Маҳалла — мактаб — коллеж» концепцияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Иқтидорли болалар маҳалла томонидан моддий рағбатлантирилмоқда. Олти йилдирки, ёзги таътил даврида маҳалла болаларининг футбол мусобақалари ўтказилапти. Маҳалланинг ўз полвонлари ҳам бор.

Бундан ташқари, ёшлар орасида ҳар хил ноҳўя ҳатти-ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари иштирокида ўтказилаётган мулоқотлар маҳалланинг, қолаверса, юртимизнинг, осойишталиги, тинчлигини сақлашда муҳим ўрин тутмоқда.



— Ҳамма гап маҳалла аҳлининг ҳам-жиҳатлигида, — дейди у. — Шу боисдан ҳар бир киши яшашнинг мазмуну моҳиятини яхши билалади. Эрта баҳордан қаҳратон қишгача, ҳатто, йил-ун икки ой ҳовлиси ва унинг атрофини покиза сақлаш, ниҳол экиш, гулзор яратишга алоҳида эътибор қаратади. Керак бўлса, шу йўлда ҳузур-ҳаловатдан ҳам воз кечади. Шундан завқ-шавқ туюди.

— Лутфулла ака, юртимиздаги каби маҳаллаларга уюшиб яшаш, кишилик жамияти ҳаёт тарзининг ноғб тузилмаси дейиш мумкинми?

— Маҳалла — Ватан ичра мўъжаз Ватандир. У халқимизнинг қадим-қадимдан ўзи яратган, мустақиллигимизнинг ўтган даврида ҳуқуқий мақомига эга бўлган ўзига хос фуқаролик институтидир.

«Жек Пот» II-категория учун 140.000 сўм
«Жек Пот» III-категория учун ---- сўм

Хизматлар лицензияланган

Табиийки, ишга ёки бошқа бирор манзилга отланганимизда, автобус, трамвай, троллейбус, шунингдек, такси ёхуд маршрут йўналишида ҳаракатланувчи микроавтобуслар хизматидан фойдаланамиз. Хўш, бу борада бизнинг соғомон манзилга етиб олишимиз қай даражада кафолатланган? Айтайлик, йўл давомида автомобилнинг бирор техник қисми ишдан чиқиб қолади ёки ҳайдовчининг соғлигида нуқсонлар бор...



Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,

«Жамият» мухбири

АЙНИ пайтда айта оламизки, бу муаммони етарли даражада ҳал этishi учун жиддий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, эндиликда яқка тартибда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар йўналишга чиқишдан олдин автомобилни техник кўриқдан ва ўзини шифокор назоратидан ўтказди.



ги бўлимлари томонидан юридик шахсларнинг шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчи ташиш билан шуғулланишлари учун ҳар куни лицензия берилаяпти. Демак, санаб ўтган автоуловларнинг 90 фоизи хусусий тадбиркорларга тегишли бўлиб, юридик корхоналар улардан ижара асосида фойдаланмоқдалар. Улар ўртасидаги ҳар бир ижара шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиб, ички ишлар идоралари томонидан рўйхатга олинishi йўлга қўйилган.

Йўловчилар ташиш фаолиятининг фақат юридик шахслар томонидан амалга ошириляётгани жойлардаги йўловчи ташиш йўналишларига ташувчиларни тендер асосида жойлаш-

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ

унда ҳайдовчи ва йўловчи хавфсизлиги кафолатланади

Қолаверса, юртимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолига бу борада янада кенг қулайликлар яратиш мақсадида йўловчи ташиш транспорти тизими кундан-кун тақомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган «Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори бу борада йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхоналар учун айна мудабо бўлди ва уларнинг зиммасига янги вазифалар юклади.

Жисмоний шахслар юридик корхона таркибига кириш жараёнида ўз автомобилни унга низом фонди сифатида ёки узоқ муддатли ижарага бериш асосида шахсий мулкларини доимий техник саз ҳолда бўлишини таъминлашга ҳам эришди.

— Ушбу ҳужжат фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чораларини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда. — дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари Шоалим Шоваҳодов. — Энди автомобиль транспортда йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Тўғри, илгари ҳам мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча йўловчи ташув-

чилар учун тенг шароит яратилган эди. Ҳар бир жисмоний ва юридик шахс тижорат асосида йўловчи ташиш фаолияти билан бирдек шуғулланиб келарди. Аммо юридик корхоналардаги мавжуд автотранспортни техник, ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишдек имкониятларга жисмоний шахслар эга эмас. Бу эса йўловчи ташувчиларда йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларда айрим муаммолар туғдирар эди. Натихада улар билиб-билмай, аввало, ўзларини, қолаверса, йўловчилар ва бошқа йўл ҳаракати иштирокчилари ҳаётини хавф остига қўярди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарор ва фармонлари тизимда юзга келган бундай муаммоларни барта-раф этиш имконини берди. Яқка тартибда йўловчи ташувчилар юридик корхоналарга бирлашди. Қатнов олди-дан ҳар бир автомобилни техник, ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби қатъий йўлга қўйилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, жисмоний шахслар юридик корхона таркибига кириш жараёнида ўз автомобилни унга низом фонди сифатида ёки узоқ муддатли ижарага бериш асосида шахсий мулкларини доимий техник саз ҳолда бўлишини таъминлашга ҳам эришди.

Маълумотларга кўра, 2006 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, республика бўйича 9871 та автотранспорт воситасини ўзида жамлаган 314 та юридик шахс мақомидаги йўловчи ташувчи қайд этилган бўлса, жорий йилнинг апрель ойигача уларнинг сони 1700 тадан ошиб кетди. Умумий машиналар сони эса 68054 тага етди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич кун сайин ўсиб бормоқда. Чунки Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоятларда-

тириш жараёнини ҳам жадаллаштирди. Айни вақтда мамлакатимиз автомобиль транспортда 3 мингга яқин йўналиш бўйича йўловчилар ташиш хизмати амалга оширилмоқда.

2006 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, республика бўйича 9871 та автотранспорт воситасини ўзида жамлаган 314 та юридик шахс мақомидаги йўловчи ташувчи қайд этилган бўлса, жорий йилнинг апрель ойигача уларнинг сони 1700 тадан ошиб кетди.

— Элимизга сифатли хизмат кўрсатиш ва ҳайдовчиларнинг, шу билан бирга йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш асосий мақсадимиз, — дейди Ўртачирчиқ туманидаги «Дилшодтрансхизмат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раъно Давронова. — Ҳозирда корхонамизда 100 дан ортиқ машина учта йўналишда йўловчиларни ташиш билан шуғулланмоқда. Ҳар куни эрталаб автотомобиллар техник кўриқдан ўтказилади. Шифокор эса ҳайдовчиларнинг саломатликларига масъул. Бу борада керакли барча жиҳозлар муҳайё қилинган.

Илк фаолиятини 2004 йилда бошлаган мазкур корхона йўловчиларнинг узоғини яқин қилиш, уларни манзилга соғомон етказиш борасида сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Соҳада олиб борилаятган бундай изчил ислохотлар транспортда йўловчи ташиш фаолиятини тақомиллаштириш, йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш баробарида, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти янада юксалишига туртки бўлмоқда.

ИШОНЧНОМАНИ ЯНГИЛАШ

бузғунги кун талабига айланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил март ойда қабул қилинган «Автомобилтранспорти воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга бериш тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг мазкур соҳа мутасаддилари зиммасидаги масъулият янада ошди.

Бахтиёр ОЛЛОМУРДОВ,

«Жамият» мухбири

— АЙТИШ жоизки, ҳозирги кунда транспорт юртимиздаги ишбилармон тадбиркорларнинг асосий таянчига айланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилбўхор Ёқубова. — Транспорт воситаларини ижарага бериб фойда олиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ёки бошқа мақсадларда ишлатиш ҳоллари сезиларли даражада кўпайди. Шундай долзарб бир жараёнда фуқаролар ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш каби ишлар муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор транспорт эгаларининг мулк ҳуқуқи ҳимоясини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Чунки, автомобилтранспорти воситалари билан боғлиқ ишончнома ва шартномаларни қалбақлаштириш ҳоллари учраб турибди. Бу эса ушбу қарор моҳиятини кечиктирмасдан кенг жамоатчилик оmmasига батафсил етказишни, тарғиб-ташвиқ қилишни тақозо этади.

Шунга кўра, автомобилтранспорти воситаларини бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари ва ишончномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш ҳар жиҳатдан мукамал (махсус) гербли бланкаларда амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 майда қабул қилган «Автомобилтранспорти воситаларини фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни (махсус) гербли бланкаларда қайта расмийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эса айнан ана шундай долзарб муаммолар ечимига кенг имкониятлар яратди. Унга кўра ишончномаларни қайта расмийлаштириш ишларини 2007 йилнинг 1 июлигача амалга оширилиши белгиланди. Бунинг учун ишончнома эгалари ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олдин расмийлаштирилган нотариал идорага олиб бориб, қайта ҳисобга қўйдиришлари лозим. Бундай ҳолатда улардан давлат божи ундирилмайди.

Мазкур ишончномалар нотариуслар томонидан янгидан расмийлаштирилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида қайта ҳисобга қўйиш учун Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларига тақдим этилиши шарт.

Жорий йилнинг 1 июлига қадар тегишли тартибда қайта расмийлаштирилмаган ишончномалар билан автомобилтранспорти воситаларини бошқариш таққилланади. Мабодо, бундай автомобилтранспорти эгалари мазкур талабларга риоя этмасе, улар қонун талабига мувофиқ ҳайдовчилик ҳуқуқидан вақтинча четлатилиб, маъмурий жавобгарликка тортилади.

Берилган имкониятдан ўз вақтида фойдаланиш, автоулов эгалари ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш барчанинг биринчи галдаги фуқаролик бурчидир. Бинобарин, юқорида зикр этилган қарорлар ва улар юзасидан амалга ошириляётган чора-тадбирлар фуқароларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 9 ноябрдаги «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Марғилон шаҳрининг файзи, таровати, кўрки-чиройи янада ортиб бораёпти. Шаҳар кўчалари, мавзелари, маҳаллаларини кезсангиз, бунга яна бир бор гувоҳ бўласиз. Айниқса, юксакликдан назар ташласангиз, хунармандлар, ипакчилар шаҳри улкан қурилиш майдонини эслатади. Кўчасига асфальт ётқизилмаган, ақалли битта қурилиш объекти кириб бормаган маҳалла, гузар деярли қолмади.

Нурали ШОДИЕВ,

«Жамият» мухбири


МАРҒИЛОН шаҳри Фарғона водийсининг жануби-шарқидида жойлашган бўлиб, майдони 4083 гектарни ташкил этади. Аҳолиси 190,2 минг киши. Шаҳарда 30 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Шаҳарда 54 та маҳалла ва 24 минг аҳоли яшайдиган Янги Марғилон шаҳарчаси мавжуд.

Шаҳарда 9800 дан ортиқ талаба таълим оладиган 11 та касб-хунар коллежи, академик лицей ва 39500 ўқувчи таҳсил оладиган 38 та умумтаълим мактаби бор. Марғилон шаҳар марказий кутубхонаси ва унинг 12 та бўлимларида 150 мингдан ортиқ китоблар жамланган. Шунингдек, шаҳарда тарихий музей, халқ театри, 5 та маданий клуб, 3 та мусиқа мактаби, 2 та кинотеатр, маданият ва истироҳат боғлари ва хиёбанлар аҳоли хизматида.

ТАРИХ ВА ТАЛҚИН

БУНДАН саккиз йил аввал Бурҳониддин Марғинович ҳазратларининг 1200 йиллик тўйи ЮНЕСКО шарафлигида бутун дунё миқёсида кенг нишонланган, ҳадис илмининг билимдони шарафига мажмуа бунёд этилган эди. Бугун у зоти муבורакнинг чиллахонаси сақланган қолган Пир Сиддиқ зиёратгоҳи тўлиқ қайтадан таъмирланиб, йирик оромгоҳ сифатида бунёд этилаёпти. Зиёратгоҳ ҳудудидаги масжид, минора, мақбарали ҳовли, дарвозахона, ҳатто каптархонанинг ўн-

ГЎЗАЛ ТАЪРИФЛИ ШАҲАР



ниб, унинг 12 та дарвозаси бўлган. Марғилоннинг шойи матолари Миср, Эрон, Юнонистон ва Қашгар савдогарлари томонидан харид қилинган. Аввалига шаҳар «Марғинон» деб аталган. Манбааларда келтирилишича, бу ном «ўтзор» деган маънони билдираркан.

XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб зарб қилинган тангалар Марғилоннинг Фарғона ҳаётида муҳим роль ўйнаганидан дарак беради. Жанубий Фарғонанинг Сўх ҳудудида тоғ-кон саноатининг тезкор ривожланиши натижасида Буюк Ипак йўлининг тармоғи жанубий Фарғона орқали XI асрдан бошлаб Марғилондан ўтган. Табиий экологик шароитининг қулайлиги ҳамда Фарғона орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг Марғилон орқали ўтиши XI-XII аср бошларида уни энг буюк шаҳарлардан бирига айланishiга сабаб бўлади. Ана шундай даврда ислом қонуншунослигида ўчмас эг қолдирган буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғинович яшаб ижод қилган. Уша даврдаги Марғилон ҳозирги Марғилон шаҳрининг асосий қисмини эгаллаган. Шаҳарда масжид, ҳаммом ва кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхоналари хизмат кўрсатган.

Археологларнинг таъкидлашича, эраמידан аввалги IV-III асрларда ҳозирги шаҳар ҳудудида суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли истиқомат қилган. Шаҳар ўз арки ва ибодатхонасига эга бўлган. Қадимда Марғилондан Буюк Ипак йўли карвонлари ўтиб, маҳаллий хунармандларнинг маҳсулотларини бутун дунёга намойиш қилган.

Темурийлар даврида Марғилон водийнинг энг ривожланган шаҳарларидан бирига айланган. Хусусан, «Шайбонийнома» ва «Бобурнома» асарларида шаҳар ҳақида келтирилган гўзал таърифлар айнан шу ҳақда хабар беради.

XVII-XIX асрларда Марғилон Қўқон хонлигининг марказий беқликларидан бири сифатида машҳур бўлган. Бир қанча бинолар барпо қилинган. Исмоил Махсум мадрасаси, Хонақоҳ масжиди, Оталик, Оқ мадраса, Қози Калон мадрасаси, Ички мадраса, Саид Аҳмад Хўжа эшон мадрасаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

ИПАКЧИЛИК ШАҲРИ

БЕРЛИНДА «Ипакчилик шаҳри Марғилон — 2000 ёшда» деган номда рангли журнал нашр этилди. Самар-

қанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент шаҳарлари каби Марғилоннинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси журналда алоҳида таъкидланади. ЮНЕСКО томонидан шаҳарнинг 2000 йиллик тарихга эга, деб эътироф этилиши бунинг ёрқин исботи сифатида қаламга олинган.



Қадимги Марғилон ипак матоларининг нухсалари Хиндистон, Хитой, Миср, Ироқ ва Юнонистондан топилган. Ҳозирда ипакчи, заргар, мисгар, ганчкор ва ўймакор усталар қадимий анъаналарини давом эттириб, янги усуллар билан хунармандчилик ривожига ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, адрас, атласнинг янги нухсаларини яратган усталарнинг ишлари Германия, АҚШ, Япония, Туркия ва бошқа давлатларда ўтказилган кўргазмаларда юқори баҳоламқода.

Нашр тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда қадимий ва замонавий манбааларда, хусусан, германиялик ҳамда европалик олимлар олиб борган тадқиқотларда Буюк Ипак йўлида жойлашган Марғилон гўзал ва катта тарихий аҳамиятга эга шаҳар эканлиги таъкидланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси археология институти махсус илмий экспедициясининг 1994-1999 йилларда Марғилон ҳудудида олиб борган қазилма ишлари натижасида ушбу шаҳар ҳақида жуда қимматли маълумотлар қўлга киритилгани хусусида ҳам атрофлича сўз боради. IX-XII асрларда — Шарқ уйғониши даврида Марғилонда вужудга келган амалий санъат мактаби, хусусан, терини қайта ишлаш, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, атлас ва гилам тайёрлаш санъати ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, марғилонлик усталарнинг ёш авлоди қадимий устоз-шогирд анъаналарини муносиб тарзда давом эттириб келаяётганлиги ҳамда

уларнинг ишлари турли халқаро кўргазмаларда юксак баҳоларга лойиқ топилаётгани ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган. Шунингдек, юртимизнинг мустақиллик йилларида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, Президент Ислом Каримовнинг «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шаҳарда амалга оширилаётган кенг қўламли ободончилик, қайта тиклаш ва қурилиш ишлари ҳусусида сўз боради.


БУТУНГИ МАРҒИЛОН

ҚАДИМГИ Марғилон ипак матоларининг нухсалари Хиндистон, Хитой, Миср, Ироқ ва Юнонистондан топилган. Ўз навбатида маданиятлар алмашинуви натижасида шаҳарда бошқа хунармандчилик соҳалари ҳам ривожланган. Ҳозирда ипакчи, заргар, мисгар, ганчкор ва ўймакор усталар қадимий анъаналарини давом эттириб, янги усуллар билан хунармандчилик ривожига ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, адрас, атласнинг янги нухсаларини яратган усталарнинг ишлари Германия, АҚШ, Япония, Туркия ва бошқа давлатларда ўтказилган кўргазмаларда юқори баҳоламқода.

Пир Сиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон Отин Увайсий мақбараси ва музейи, Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасаси ва бошқа тарихий бинолар республикамизнинг турли ҳудудларидан келган усталар томонидан таъмирланди ва янги қиёфа касб этди. Шунингдек, янги тиббиёт коллежи, 945 ўринли янги мактаб, ёшлар хиббони фойдаланишга топширилди.

Айни кунларда хассос шоира Увайсий уй-музейи бунёд этилаёпти. Бурҳониддин Марғинович жамғармаси раиси Ўктамжон Эшонбоевнинг таъкидлашича, уй-музей тикланаётган жойдан, шоиранинг тўлиқ шажараси битилган манба ҳамда «Яхши меҳмонлар» деб номланган газали топилган.

Мамлакатимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз ҳамда кўҳна қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутиб келган, юртимиз заминидида қадимий тамаддун бешикларидан бири бўлган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик санасини муносиб нишонлаш, халқимизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига Вантанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришда юксак аҳамият касб этади.



Мамлакатимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз ҳамда кўҳна қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутиб келган, юртимиз заминидида қадимий тамаддун бешикларидан бири бўлган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик санасини муносиб нишонлаш, халқимизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига Вантанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришда юксак аҳамият касб этади.

ўн икки асрлик тарихи мамлакатимиз Президенти ташаббусига кўра қайта тикланаёпти. Энди зиёратгоҳнинг кенг хиббонлари «Марғилон-Андижон» автомагистралга туташиб кетади. Чиллахона, рамзий мавзолей катта йўл бўйида бемалол кўзга ташланиб туради.

Бу 2000 йиллик тарихга эга бўлган обод шаҳар Буюк Ипак йўлининг танилган карвонсаройларидан ҳисобла-

Шундай бўлиши зарурки, токи шу юртда яшовчи ҳар бир одам содир бўлаётган мураккаб ижтимоий жараёнларни ҳис қилиб турсин, уларга нисбатан ўз фикри ва мулоҳазасига эга бўлсин, нима ҳақиқат-у, нима ёлгон ва бўҳтон эканлигини тушунсин. Теварак-атрофда содир бўлаётган жами воқеалар хусусида ўз фикри ва позициясига эга бўлмай туриб, бу дунёда қандай яшаш мумкин?

Ислом КАРИМОВ

ШАБАДА БЎРОНГА АЙЛАНСА

ёхуд яна глобаллашув, «демократия», ахборот хуружи хусусида

Глобаллашувни бутун ер юзини қамраб олган улкан ҳаво лайнерига қиёс қилишади. Бу улкан ҳаво кемасининг бир қаноти тамаддунга, яна бир қаноти эса ягона ахборот маконига ўхшаб кетади.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ИНСОНИАТНИНГ ақл заковати, теран ҳаётий қадриятларининг мустаҳкамлиги туфайлигина глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари устуворлигига эришиш мумкин. Акс ҳолда глобаллашувнинг салбий таъсири рўйи заминга хавф-хатар, таҳдид солиб тураверади.

Аслида глобаллашув дунё давлатларининг тараққиёт риштаси билан мустаҳкам боғланишидан келиб чиқади. Илмий тилда изоҳласак, ер куррасини тургун транспорт йўналишлари билан бирлаштириш, миграция оқимларининг кучайиши, ахборот технологияларининг тараққий этиши ва бошқа жараёнлар глобаллашувнинг босқичларидир.

Аммо, ҳар қандай ҳодиса сингари глобаллашув ҳам ўзига хос мусбат ва манфий жиҳатларга эга. Масалан, бугунги кунда «урф» бўлаётган ғоялар ва маданиятлар соҳасидаги глобаллашувга диққатингизни қаратмоқчимиз. Айрим тадқиқотчилар дунёвий демократия, сиёсий плюрализм, очиқ жамият ғоялари ҳозирги давр глобаллашувининг негизидир дейишмоқда. Майли, шундай бўла қолсин. Эътирозимиз йўқ. Аммо, глобаллашув байроғи остида айримлар хоҳлаётгани каби кўр-кўрона гарбийлаштириш - «вестернизация» сиёсатини қабул қилолмаймиз. Ғарб ижтимоий андозаларини тўлиғича, ҳеч ўзгаришсиз табиатиимизга мослай олмаймиз, руҳиятиимизга сингиролмаймиз. Бу йўлда «ғарб маданияти»нинг турли хил таъйиқларини ҳам кузатишимиз мумкин. «Глобаллашув тарафдорлари»нинг асл мудоаоси — маданий таназзул эканини бугун нафақат зиёлилар, юртимиздаги ҳар бир фуқаро тушуниб етмоғи лозим.

Глобаллашувнинг яна бир хавфли жиҳати: бугун дунё ягона ахборот майдонига айланмоқда. Шу жараён билан боғлиқ хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солувчи янги, мисли кўрилмаган хавф-хатар, таҳдидлар ҳам пайдо бўлапти. Ягона ахборот маконини яратиш, ундан ахборот таҳдиди йўлида фойдаланиш шу даражага етдики, ахборот маконидаги хуруж ядро полигонларидан кўра хавфлироқ бўлиб қолди.

Айрим гегемонлик вазвасасига тушган давлатларнинг «глобал» геосиёсати негизда «демократия» ни фаол илгари суриш принципи» ётибди. «Универсал ва барчага таллуқли» демократияни жаҳонга ёйишга уринишлар, бугунги кунда жадаллашиб кетганидан кўз юмол-

Ахборот уруши дунёга хавф солиши, жаҳонни ларзага келтириши мумкин бўлган таъсирчан қурол эканини XXI асрнинг таҳликали жараёнлари аллақачон исботлаб берди.

маймиз. Демократия ҳар қандай жамиятнинг табиий ривожланиши асосида шаклландиган ва такомиллашадиган узлуксиз, тадрижий жараёндир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи айнан демократия табиатига зид нарса».

Бу фикр кўп таъкидланмоқда. Аммо, «демократия» «даҳо»лари бунини эшитиб, эшитмаганга олмоқда. Чунки, уларнинг мақсади демократия эмас...

Ахборот хуружи авж олаётган, қайсидир куч-қудратли мамлакатларнинг манфаатлари йўлида ёлгон тарғиботга зўр бериши оқибатида дунё таҳликали жарлик ёқасига яқинлашиб бормоқда. Бунинг натижасида терроризм ҳам глобаллашапти. Бу эса инсониятга жиддий хавф туғдирмоқда. Бундан 15-20 йил илгари терроризм таҳдидини Яқин Шарқ ёки Шимолий Ирландияда кузатган бўлсак, бугун бу офат дунё бўйлаб «томир отди». Шу ўринда терроризмнинг кучайиб бораётганига ким ёки нима сабабчи деган са-

вол туғилиши табиий...

Маълумотларга қараганда, биргина 2005 йилда Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар учун АҚШ 300 миллиард доллар маблағ сарфлаган. Афғонистондаги 18 минг ҳарбийга 100 миллиард доллар ажратилган. Шундан атиги 0,8 фоизи эса гиёҳвандлик савдосига қарши йўналтирилган. Лекин кейинги йилларда дунёни ларзага солаётган гиёҳвандлик моддалар етиштириш билан шугулланади. Европа шаҳарларида гиёҳванд моддалар баҳоси ўта «баланд». Негадир «Биз дунёга осойишталик истаймиз» дея ҳайқираётган жаноблар нарқобизнес вабосига панжа орасидан қарашаяпти. Ахир, нарқобизнес терроризм ва диний экстремизм билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор-ку! Уларни маблағ билан таъминлайди-ку...

Ёлгон ахборотлар хуружини авж олдириган «демократ»ларнинг бошқа масалаларда ҳам миси чиқиб қолаяпти. АҚШнинг Ироқдаги ишлари аралашуви мазкур мамлакатнинг ўзид ҳам норизоликлар келтириб чиқарапти. Ироқдаги уруш халқаро терроризмни кучайтирди, деган фикрлар баралла айтилаётгани ҳам бежиз эмас.

Америкалик олим, сиёсатшунос З.Бжезинский ҳам «Лос-Анжелес таймс» газетасида демократия «шоввозларининг» хатти-ҳаракатларини фош этади. Унинг ёзишча, АҚШ мутахассислари махсус мақола ва хабарлар тайёрлаб, Ироқ оммавий ахборот воситаларида ироқликлар номидан чоп эттиришган. Демак, АҚШ манфаати ифодаланган ахборотлар ироқликлар имзоси билан тарқатилган ва бундан кўзланган муддаони шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ...

Ахборот қуролининг ёлгон-яшиқ тарғиботи таъсирини яхши англаган «демократия пешқадамлари» бу соҳага жиддий эътибор беришади. Масалан, АҚШнинг ҳар қандай қўшин турида ахборот урушини пайдо қиладиган марказ мавжуд. Ахборот уруши дунёга хавф солиши, дунёни ларзага келтириши мумкин бўлган таъсирчан қурол эканини XXI асрнинг таҳликали жараёнлари аллақачон исботлаб берди.

Бинобарин, манфаатлар тўқнашувида ёлгонлар, бўҳтонлар, турли хил сафасатларни «сув қилиб ичиб юборган» сиёсатдонлар учун ахборот уруши дунёга таъсир ўтказишнинг ягона усулига айланиб қолди.

Акс-садо

«Жамият» газетасининг ўтган сонларидан бирида «Лотереяда ўйнаган Ватан» сарлавҳали мақола чоп этилгани ёдингизда бўлса керак. Унда кўтарилган мавзу юзасидан тахририятга кўплаб хатлар келди, кўнгироқлар бўлди.

«ВАТАН СОТИЛМАЙДИ»



ОРАДАН анча вақт ўтган бўлса-да, газетхонлар томонидан мажмур мақола юзасидан муносабат билдирилган хатлар оқими тўхтагани йўқ. Баъзи маҳаллий матбуот нашрларида эса мақолага акс-салолар ҳам босилаяпти. Хусусан, куни кеча Андижон вилоятида чоп этиладиган «Андижоннома»да шундай муносабатлардан бири эълон этилди. Қуйида эътиборингизга шу мақолани қисқартирилган тарзда ҳавола этамиз:

«Жамият» газетасида берилган «Лотереяда ўйнаган Ватан» сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Унда ёзилишича, АҚШ давлат департаменти интернет орқали кўп йиллардан буюн хорижий давлат фуқаролари учун Америкада доимий яшаш ҳуқуқини берадиган лотерея ўйинини ўтказиб келаятган экан. Бу ўйинда иштирок этувчилар, албатта, тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлиши ва қўлидан бир иш келиши шарт бўлиб ғалиб қилса Америкада доимий яшашни мумкин эмиш...

Ана шу таловда тошкентлик Назира исми аёл ҳам иштирок этиб ғалиб бўлгани ва охири-оқибат бор-бўлганда ажралиб, алдангани ҳам мақолада келтирилган. Гарчи у аёлни танимасам-да шу дамда унга қарши қалбимда бир эътироз ўйғонди. Қанча-қанча сайёҳларнинг ҳавасини келтираётган, ота-боболарининг ҳоқи етган она юртини бошқасига алмаштириш наҳотки шунчалки осон бўлса?!

Наҳотки, киндик қони тўқилган, онасидек меҳрибон Ватанини лотереяда ўйнаш мумкин бўлса? Мен бу мақолани ўқиб анчагача ўзимга кела-май таажжубда юрдим. Қайта-қайта ўзимга «наҳотки» дея савол берарман. Бу мақола сарлавҳасининг ўзи ҳам мени ларзага солди. Шунини айтган эканларда: «Олдиндан оққан сувнинг қаёри йўқ» деб.

Мўмай пул топиш илинжида «тўрага илинган» Назира опага умуман раҳим келмади, ачинмадим ҳам. Чунки, у аёлни ҳамма нарсага: уйи, чиройли турмуши бор эди...

Назира опага ўхшаб ўз она Ватанини лотереяга тикканлар бир нарса-ни унутмаслици керак, ҳақиқий бахт Ватан меҳрини тўйиб яшашдадир. Қолаверса шоир айтганидек:

Ўзбек кўп бутун ер юзида, аммо Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ! Акбарали НАЗАРОВ».

6 июнь куни Германияда «Катта саккизлик» саммити ўз ишени бошлади. Анжуманда муҳокама этилаётган мавзулардан бири глобаллашув жараёналаридир.



КУН ТАРТИБИДА:

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ

БИНОБАРИН, глобаллашув ҳозир барча жабҳани қамраб оляпти. Унинг ижобий томонлари эътироф этилган ҳолда салбий оқибатларга сабаб бўладиган жиҳатлари ҳам кенг мунозара ва муҳокама мавзуга айланди.

Шу боисдан дунёда, жумладан, Германияда глобаллашувга қарши кучлар хийла фаоллашди. Ўтган ҳафта Германиянинг қатор шаҳарларида тартибсизликлар юз берди. Жойларда аксилглобалчилар билан полициянинг тўқнашувлари юз берди, деб хабар берди EuroNews.

Можаролардан бири Потсдам шаҳрида «Катта саккизлик» ташқи ишлар вазирлари учрашуви чоғида содир бўлди. Намойишчилар конференция ўтаётган жойга ёриб кирмоқчи бўлдилар, лекин полиция уларни тўхтатиб қолди.



«Осиё - Европа» форуми бўлаётган Гамбург шаҳрида ҳам шунга ўхшаш воқеалар кузатилган. Буларнинг ҳаммаси 6 июнда Хайлигендамда очилган «Катта саккизлик» саммити олдидан глобаллашувга қарши кайфиятдаги кишиларнинг оммавий чиқишларга тайёргарлик эди, дейишди кузатувчилар.

Немис маъмурлари бўлажак учрашув иштирокчилари хавфсизлигини кўзлаб, анжуман ўтадиган жойни 12 километрлик тиканли сим билан ўраб олди.

Аксилглобалчиларнинг намоийшлари бошқа шаҳарларда ҳам кузатилди. Улар Хайлигендам билан Ростов ўртасида жойлашган Бад Доберан шаҳри яқинидаги дарахтларга бутун дунё мамлакатлари одамлари учун тенг ҳуқуқлар таъминланишини талаб этувчи шиорларни илиб ташладилар.

Норвизлик чиқишларининг оммавий тус олганини дунёнинг афкор оммаси турлича талқин қилмоқда. Уларнинг фикрича, АҚШнинг бир қутбли «демократия»ни жорий этишига уриношлари, етакичи давлатларнинг адолатсиз иқтисодий сиёсати натижасида дунёда ҳар куни 30 мингдан ортқ норасида гўдакларнинг очликдан нобуд бўлаётгани, Ироқ ва Афғонистондаги нотинчлик жаҳон ҳамжамиятининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Четдан туриб молиялаштирилган 2004 йилги «рангли иқтилоб»дан буён Украина турли сиёсий ва иқтисодий силсилалар, бўҳронлардан чиқа олмаяпти. Ушандан бери ҳукумат 4 мартаба алмашгани, олдинги йилларда йиллик ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 12 фоизни ташкил этган мамлакатда ҳозир иқтисодий танназул ҳолати кузатилаётгани ҳаммага маълум.



АНА шу чигалликларни келтириб чиқарган омишлар тўғрисида фикр юритар эканлар, таҳлилчилар Украинадаги сиёсий инқироз мамлакат ташқарисида тайёрлангани, Фарбнинг

«ОЛИМПИАДА-2008» АРАФАСИДА

«Хитой ва Европа иттифоқи ўртасида ўтказилган ўн йиллик музокараларга якуний хулосалар чиқариш пайти келди», — деб баёноат берди нодавлат ташкилотларнинг экспертлар гуруҳи Европа иттифоқи — Хитой музокараларининг навбатдаги босқичи олдидан Брюсселда ўтказилган матбуот анжуманида. Бу ҳақда «Великая эпоха» халқаро ахборот лойиҳаси хабар тарқатган.



«ОЛИМПИАДА-2008» ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритган хитойликлар бугун мезбонликни жойига қўйиш учун астойдил ҳаракат қилаётгани хусусида матбуотда кўплаб хабарлар берилмоқда. Ҳатто аҳоли ўртасида муомала маданиятини ўрганиш бўйича жиддий ишлар қилинмоқда.

Хитойда «Олимпиада-2008» га тайёргарлик ана шундай қизгин бораётган бир пайтда «тирноқ остидан» кир қидираётган айрим нодавлат ташкилотлари экспертлари қуракда турмайдиган гапларни

тарқатаётгани кузатилмоқда. Экспертларнинг фикрича, Хитойга Олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи... мазкур мамлакатда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни яхшилаш учун берилган эмиш.

Халқаро амнистия ташкилотининг даъвоси эса бунданда кулгили: уларнинг фикрича, Хитой маъмурлари Олимпиада ўйинларидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини яхшилаш ўрнига, аҳолини янада кўпроқ эзиш учун фойдаланаётган эмиш...

Хуллас, юқорида келтирилган фикрларга асосланиб

айтиш лозимки, «ахборот хуружи» деган кампания сиёсий кучлар қўлида ҳамиша керакли восита бўлиши мумкинлиги яққол намоён бўлмоқда.

Дарвоқе, Европа иттифоқи билан Хитой ўртасида ўтказилган музокаралар чоғида бир неча нодавлат ташкилотлар ва ўзларини жабрдийда қилиб кўрсатган шахслар махсус кўмита ҳам тузилди. Ҳозир улар Европа иттифоқи раислик қилаётган мамлакат — Германия орқали Хитойга таъсир кўрсатишга интиляптилар.

ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Эрон маъмурлари «Очиқ жамият институти» ходими Киан Тожбахшини жосусликда айблаётгани ҳақида АТР агентлиги томонидан хабар тарқатилди. Америка ва Эрон фуқаролигига эга бўлган 45 ёшли ушбу шахс шу йил 11 майда қўлга олинган.

ЭРОН адлия вакилининг айтишича, разведка ва хавфсизлик вазирлиги Тожбахшини «ташвиқот ва чет эликлар фойдасига жосуслик орқали мамлакат хавфсизлигига зарар етказишга қаратилган ҳаракатлар» содир этганликда айблamoқда.

Хабарда айтилишича, Тожбахш «Очиқ жамият институти»нинг маслаҳатчиси ҳисобланади ва айни пайтда Жаҳон банкида ҳам ишлайди. Колумбия университети доктори илмий даражасига эга.

Вудро Вильсон номидаги Марказ ходими Халех Исфандиёрга ҳам шу тарздаги айб қўйилгани ҳақида Press-uz.info ахборот агентлиги илгари хабар тарқатган

эди. Халех ҳам Тожбахш сингари қўш фуқароликка эга бўлиб — ҳам Америка, ҳам Эрон фуқароси саналади.

Эслатиб ўтаемиз: «Очиқ жамият институти» америкалик миллиардер Жорж Сорос томонидан таъсис этилган нодавлат ташкилотидир. Мазкур институт илгари қатор мамлакатлардаги «рангли» тўнтариларни ташкил этишда фаол иштирок этгани фош этилган.

Кўриниб турибдики, бундай «халқаро ташкилотлар» ҳар қанча «демократия-демократия» деб «жаврамасинлар» аелида моҳиятан бузғунчи ва маълум бир кучлар фойдасига «ишловчи» сиёсий тузилмалардир.

ХАТАРЛИ ЙЎЛ

бундай ҳаракатлар ортида эса улкан сиёсий ва иқтисодий манфаатлар ётганини таъкидламоқдалар. Кейинги бир неча ҳафта давомида Украина агрофида кечаётган воқеалар бундай таҳминларнинг нақадар тўғрилигини кўрсатиб турибди.

«Айрим таҳлилчиларнинг фикрича, чуқур таназзул туфайли Украинада жамоат ташкилотлари қандайдир «Сбруч» режасини муҳокама қилмоқдалар». — деб ёзади Evrazia.org сайти. Сбруч — Украинани шарқий ва гарбий

қисмга бўлувчи дарёнинг номидир. Бундай режанинг қаерда ишлаб чиқилгани номаълум. Аммо қатъий хулосалар шундан иборатки, мамлакат халқи ва сиёсатчилари ўзини ягона мамлакат сифатида ҳис қилмас экан, бу режа долзарблигича қолаверди ва ҳар дақиқада келишмовчилик юзага чиқиши ва мамлакат парчаланиши ҳеч гап эмас.

Сбруч — мамлакат худудини иккига бўлиб турган табиий куч. Энди унинг ёнига шу мақсадни кўзловчи сиёсий куч ҳам қўшилгани, Украинанинг яхлитлигига раҳна солувчи жиддий хавф пайдо бўлаётганидан далолат беради.

Спорт МУСОБАҚАДА — ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури асосида олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари ва Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси илмий ходимлари ўртасида спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси, арқон торттиш турлари бўйича спартакиада мусобақалари ўтказилмоқда.

Чирчиқ олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи ва Бўстон дам олиш масканида иккинчи бор ўтказилаётган мазкур спартакиадада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри олий ўқув юртлари ҳамда Республика фанлар академиясидан 138 нафар ҳаваскор-спортчилар иштирок этмоқда. Турнир иштирокчилари жисмонан соғлом бўлишда спортнинг аҳамияти юксак эканлигини алоҳида таъкидлашди. Мусобақа голиблари бугун маълум бўлади.

Бишкекда енгил атлетика бўйича Марказий Осиё давлатлари спортчилари ўртасида ўтказилган халқаро турнир якуланиди.

СВЕТЛАНА ОЛИМПИАДАГА БОРАДИ

Рустам ҲАЙДАРОВ

Унда қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 13 та олтин медални қўлга киритиб умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Балангликка сакраш бўйича бўлиб ўтган баҳсларда юртдошимиз жаҳон чемпиони Светлана Радзевил 191 сантиметр натижага эришиб XXIX ёзги олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Хабар


АНЪАНАВИЙ БАЙРАМ

Фарғона шахрининг Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий гуллар ва қушлар байрами бўлиб ўтди. Унда қўлпаз қорхона ва ташкилот, маҳалла ва таълим-тарбия муассасалари вакиллари ўзлари парваришлётган анъоний гуллар ҳамда қушлар билан иштирок этди.

Аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг она табиатга, ҳайвотот ва наботот оламига бўлган қизиқишини оширишда, қалбларни згулик, гўзаллик ва нафосатга ошно этишда бу тадбирнинг аҳамияти беқийс. Шу боис, бу байрам фарғоналикларнинг энг севимли тадбирларидан бирига айланиб бормоқда.

Кўргазмада намойиш этилган ранг-баранг гуллар, турфа хил қушлар табиат ихлосмандларига бир олам завқ бахш этди.

Тадбир сўнггида Фарғона



на нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона давлат университети ҳамда шаҳар халқ таълими бўлими томонидан тайёрланган экспозицияларга юқори баҳо берилди.

Эшитдингизми?

ЭНГ КЕКСА ГУРУҲ

Буюк Британияда «Зиммерс» номидаги муслиқ гуруҳ аъзолари ижро этган «Менинг авлодим» айна вақтда мамлакатдаги энг машҳур қўшиқдир. Қизиғи шундаки, мазкур гуруҳ таркибини етмиш ёшдан юз ёшгача бўлган қариялар ташкил қилади.

Маълумотларга кўра, «Зиммерс» ёш жиҳатдан дунёда энг кекса гуруҳдир. Масалан, унинг яккахон ижрочиси тўқсонни қоралаган. Барабан юз яшар қарияга ишониб топширилган. Умуман, гуруҳдагиларнинг ўртача ёши етмиш саккизга тенг. Кузатувчиларнинг фикрича, гуруҳ айна шу жиҳати билан томошабинлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда.



Биласизми?

Кўк пиёз барглари эса пиёзнинг ўзига қараганда витаминларга бойдир. Унинг таркибидаги мавжуд фитонцидлар эса ишталган инфекцияга қарши восита сифатида бемалол қўлланилиши мумкин. Кўкпиёз барглари уни истеъмол қилган одам организмни оғир металл тузлардан тозалайди, иммунитетни мустаҳкамлайди. Шундай экан, дастурхонингизни камтарона нарҳдаги, аммо фойдали жиҳатлари қиммат бўлган кўкпатлар доимо яшнатиб, безатиб туриши ва сизнинг соғлигингиз учун кураша олиши имконини беришини унутманг.

ОБ-ҲАВО

Японлар ҳамма соҳада тежамкорлиги билан танилган. Улар ҳатто ёзда салқиндан ҳам унумли фойдаланишар экан. Яқинда ёз фаслида ишоналarga галстук ва костюмсиз, энги калта кўйлак билан келиш юзасидан қонун қабул қилишибди. Нега дейсизми? Чунки галстук тақиб, костюм кийиб ўтирган ходим

совутгични кўпроқ ишлатади, демак кўпроқ электр энергияси сарфланади. Енгил кийинганга озроқ салқин ҳам кифоя-да! Шу боисдан ишоналардаги ҳарорат 26 даражадан паст бўлмаслиги қонун билан белгилаб қўйилди.

Бизда бунга зарурат йўқ. Чунки Оллоҳ назари тушган жаннатмонанд юртимизда соя-салқин гўшалар кўп. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларимизни кўкаламзорлаштиришга катта эътибор қаратилаётгани ҳам бу борадаги фикримизга далил бўла олади...

Республика Гидрометеорология маркази маълумотига кўра, эртага мамлакатимизда ҳаво булутли туради, айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин.

9-12 июнда республикамизда ёғингарчилик кутилмайди. Бугун Фарғона водийсининг баъзи жойларида қисқа муддатли ёмғир ётади, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади, момақалдироқ пайтида унинг тезлиги 15-20 метргача кўчяйди. Ҳарорат кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради. Бугун айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. 9-12 июнда ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

СЕЛЬДР ВА КҮК

Шифобахи кўкатлардан бири — сельдр бўлиб, табиат унга беқийс жиҳатлар ато этгандир. У қонни жуда яхши тозалайди, моддалар алмашинувини яхшилайди.

Дилфуза ҚҶЗИЕВА

Мутахассисларнинг фикрича, бу кўкат простатит ва бошқа касалликларда ҳам ниҳоятда фойдалидир. Ва бу ҳали ҳаммаси эмас. Сельдрдан шифобахи дамладалар тайёрласа ҳам бўлади. Унинг шарбати эса иш-таҳа очувчи восита сифа-

тида қўлланилади. Бу шарбат овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилайди, буйракни тозалайди. Шунингдек, сельдр шарбати пешоб йўллари-нинг шамоллашида, қораксоқ, подагра, ави-таминоз, кимқонлик, се-мириш касалликларини даволашда ҳам бебаҳо дармон ҳисобланади.

БОШ МУҲАРРИР

Сирожиiddин РАУПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Маъруфжон УСМОНОВ
Киём НАЗАРОВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Рифат САРБАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Беҳзод ҲОТАМОВ
Нурали ШОДИЕВ

МУАССИСЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР

Абдували ҚУТБИДДИНОВ

ДИЗАЙНЕР

Ҳабибжон БОЛТАЕВ

НАВБАТЧИ

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-536
Адади: 8018
Газета «Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журналининг ҳафталик иловаси.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 45-уй.
Маълумот учун телефонлар: 132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта: info@jamiyatgzt.uz jamiat@mail.ru
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
① — тижорат белгиси
Топшириш вақти: 20.00
Топширилган вақти: 00.40



Тариф Биринчи уй ҳудуди - БУТУН ЎЗБЕКИСТОН!

Барча мобил рақамлардан кирувчи алоқа* - \$0
Барча мобил рақамларга чиқувчи алоқа** - \$0,02

Уланишда минимал олдиндан тўлов – 5 000 сўм.

* Ўзбекистон бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги барча уяли алоқа операторлари абонентларидан бўлган кўнгиноқларда ва операторга тегишли префикс тўғри берилганда.

** Бир дақиқа учун, рақамлар операторларнинг кўйидаги префикслари билан терилганда: 998 90, 998 93, 998 95, 998 98.

*** Ўзбекистон бўйича бошқа кирувчи ва чиқувчи кўнгиноқлар бир дақиқа учун - \$0,04

МТС абонентлари учун:

• Халқаро роуминг хизмати Эронда (MCI), шунингдек халқаро GPRS роуминг хизмати Украинада (URS) ишга туширилди.

Батафсил маълумотни WWW.MTS.UZ сайтида кўриш мумкин

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади

Тўловлар сумда ЎзР МБнинг тўлов кўнидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

